ҒАРБИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИДА МУДОФАА ВА ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Т.П. Каримов
СТИБОМ мустақил изланувчиси,
сиёсий фанлар номзоди

Аннотация: Мазкур мақолада давлат ҳокимияти вакиллик органларининг мудофаа ва хавфсизлик соҳасида давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш юзасидан амалга оширадиган назорат функцияси Ғарбий Европа мамлакатлари мисолида таҳлил этилади.

Калит сўзлар: Парламент, Ассамблея, Сенат, Бундестаг, қўмита, парламент назорати, демократик назорат, қуролли кучлар, мудофаа, хавфсизлик, ижтимоий барқарорлик, ҳуқуқий ва конституциявий нормалар.

Аннотация:В данной статье анализируется контрольная функция представительных органов государственной власти в сфере обороны и безопасности в отношении обеспечения безопасности государства и общества на примере западноевропейских стран.

Ключевые слова: Парламент, Ассамблея, Сенат, Бундестаг, комитет, парламентский контроль, демократический контроль, вооруженные силы, оборона, безопасность, социальная стабильность, правовые и конституционные нормы.

Annotation: This article analyzes the control function of the representative bodies of state power in the field of defense and security in relation to ensuring the security of the state and society on the example of Western European countries.

Key words: Parliament, Assembly, Senate, Bundestag, committee, parliamentary control, democratic control, armed forces, defense, security, social stability, legal and constitutional norms.

Ғарбий европа давлатларида мудофаа ва хавфсизлик соҳасида парламент назоратини ташкил этилиши НАТО ҳарбий блокига аъзолик билан характерланади. Яқин тарихда НАТОнинг аксарият мамлакатларида қуролли кучлардан фойдаланиш имкониятларига Совет агрессияси таҳдиди билан боғлиқ ҳолда эътибор қаратилган эди. Совуқ уруш тугаганидан бери қуролли кучларни демократик назорат қилиш масаласи ҳам долзарблашди. Бу муаммони долзарб бўлишига бир неча сабаблар бор. Аввало, Марказий ва Шарқий Европада содир бўлган ўзгаришлар ва бунинг натижасида собиқ коммунистик мамлакатларда демократик институтлар ривожлана бошлади. Бу давлатларнинг ўтиш даврида туб ўзгаришлар қуролли кучларида ҳам демократик назоратни шакллантиришни тақозо этарди. НАТО қуролли кучлар устидан демократик назоратни Аляснинг аниқ шарти қилиб қўйганида, бу муаммо янада кескинлашди. НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” ташаббуслари мақсадлари орасида мудофаани режалаштириш ва молиялаштиришда очиқликни таъминлаш ҳамда қуролли кучлар устидан демократик назоратни таъминлашга қаратилган ташаббуслар тобора кучайиб бормоқда. НАТО қуролли кучлар устидан демократик назоратни таъкидлар экан, Аляснинг мавжуд моделларининг ҳеч бири намуна бўла олмайди. Тарихий, маданий ва конституциявий сабабларга кўра, Аляснинг ҳар бир аъзоси муаммога ўзи учун энг мақбул бўлган ёндашувни танлайди. Фуқаролик-ҳарбий муносабатларнинг кенгроқ мазмуни шундан иборатки, ҳарбийлар устидан демократик назорат унинг ажралмас қисми бўлиб, доимий равишда ривожланиб борувчи жараёндир.

Франция парламентининг мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги назорат фаолияти бўйича тажрибаси эътиборга лойиқ. Франция 203250 нафар ҳарбий хизматчилар сони бўйича иккинчи ўринда туради. У Европа ва дунёдаги энг қобилиятли ҳарбий кучлардан бири ҳисобланади. Ҳарбийларнинг қудрати маҳаллий француз сувости кемаларидаги баллистик ракеталар ва мустақил ядровий тўхтатиб туриш тизимининг мавжудлиги билан янада кучаяди. Ҳарбийлашган тузилмаларда 130800 нафар. Французлар захирада 41050 дан ортиқ аскарга эга.[1]

Франциянинг олий қонун чиқарувчи ва вакиллик органи икки палатали парламентдир. Ўз тузилмаси бўйича парламент икки палатадан: Миллий Ассамблея ва Сенатдан иборат. Парламентнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми Франция Конституциясининг алоҳида 4-бобида келтирилган нормалар билан тартибга солинади. Конституциянинг 24-моддасида Миллий Ассамблея депутатлари тўғридан-тўғри, Сенат эса билвосита овоз бериш йўли билан сайланиши белгилаб қўйилган. Сенат республика ҳудудий жамоаларининг вакиллигини ҳам таъминлайди. Франциядан ташқарида яшовчи французлар ҳам Сенатда вакиллик қилишади.

Парламентнинг вазифаси қонунларни таклиф қилиш, муҳокама қилиш, ўзгартириш, овоз бериш ва ҳукуматнинг ҳаракатларини назорат қилишдир. Сенатдан фарқли ўлароқ, Миллий Ассамблея ишончсизлик вотуми тўғрисида қарор қабул қилиш орқали ҳукуматни истеъфога мажбурлаш ҳуқуқига эга. Миллий мудофаа ва қуролли кучлар қўмитаси Франция Миллий ассамблеясининг саккиз доимий қўмитасидан бири ҳисобланади. Қўмиталар муҳим назорат ролини ўйнайди: улар тингловлар ўтказиши ва фактларни аниқлаш миссияларини ташкил этиши мумкин. Ҳисоботлар ёрдамида улар қонунларнинг ҳукумат томонидан қўлланилишини назорат қилишлари мумкин. [2]

Қўмиталар кўпинча ҳукумат аъзоларини, жумладан, бош вазирни, Европа комиссарларини, экспертларни, жамоат ва профессионал доиралар вакилларини ёки бошқа шахсни тинглайди.

Муваққат комиссия ёки доимий қўмита эшитиш зарур деб ҳисоблаган ҳар қандай шахсни чақириши мумкин. Қўмита қуйидаги соҳаларда юрисдикцияга эга:

мудофаани умумий ташкил этиш;
ҳарбий соҳада ҳамкорлик ва ёрдам сиёсати;
узоқ муддатли армия режалари;
авиация, космик ва ҳарбий саноат;
ҳарбий объектлар ва арсеналлар;
ҳарбий соҳа;
хизмат ва бандлик тўғрисидаги миллий қонунлар;
қуролли кучларнинг фуқаролик ва ҳарбий хизматчилари;
Жандармерия ва ҳарбий адолат.

Миллий Ассаммблея мажлисда қабул қилинган қарор юзасидан овоз бериш йўли билан парламент тергов комиссиясини тузиши мумкин. Улар ўз хулосаларини ассамблеяга тақдим этиш учун аниқ фактлар ёки давлат хизматлари ёки миллий корхоналар раҳбарияти ҳақида маълумот тайёрлайдилар. Тергов комиссиялари аъзолари сиёсий гуруҳларнинг мутаносиб вакиллигини таъминлайдиган тарзда тайинланади. Тергов комиссиялари вақтинчалик тузилади. Уларнинг миссияси ўз ҳисоботларини тақдим этиш билан ёки улар тузилган фармондан кейин олти ой ўтгач тугайди. [3]

Сенат Франция парламентининг юқори палатаси ҳисобланади. Франция Конституциясининг 24-моддасига кўра, Сенат умумий билвосита сайлов ҳуқуқи билан сайланади ва Франция маҳаллий ҳудудий ҳамжамиятларининг парламентдаги вакиллигини белгилайди. Ҳар 3 йилда бир марта Сенат таркиби тенг ярмига янгиланади, бу эса ушбу вакиллик органи фаолиятида барқарорликни таъминлайди. Барқарорлик Сенатнинг президент томонидан тарқатиб юборилиши мумкин эмаслиги билан ҳам таъминланади. Сенаторлар қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда, хусусан, қонун лойиҳаларини қўмиталарда ишлаб чиқиш, уларни кейинчалик ялпи мажлисларда муҳокама қилиш ва тасдиқлаш орқали фаол иштирок этмоқда. Шу билан бирга, Миллий Ассамблея Сенатга нисбатан маълум имтиёзларга эга:

қонунчилик нуқтаи назаридан, қонун ҳужжатларини маъқуллашда "охирги сўз"

https://wordlyknowledge.uz

Миллий Ассамблеяга тегишли (Конституцияга ўзгартиришлар киритишни назарда тутувчи қонунлар бундан мустасно, Сенат ўзининг "вето" ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин);

Сенат бюджет лойиҳасини ва ижтимоий ҳимояни молиялаштириш лойиҳасини фақат Миллий Мажлис томонидан кўриб чиқилгандан кейин ва фақат 15 кун ичида (Миллий Ассамблея 40 кун муддатда) кўриб чиқади;

сиёсий жиҳатдан Сенат ҳукуматга ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқига эга эмас ва сенаторлар юқори палатанинг навбатдан ташқари сессиясини чақира олмайди.

Сенат фаолиятини ўзининг ишчи органлари - доимий комиссиялар ва сиёсий фракциялар орқали амалга оширади. Сенатнинг Мудофаа ва қуролли кучлар масалалари бўйича Қўмитаси соҳага оид қонунчилик ва назорат функцияси ваколатига эга. [4]

Қўмита ҳарбийлар ва ижро ҳокимиятини бюджетни назорат қилиш ва текширув ўтказиш ваколатига эга. Қўмитага мудофаа соҳасида қонун ташаббускорлиги, соҳага оид қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш ваколатлари ҳам берилган. Мудофаа вазирига саволлар беришга барча парламент аъзолари ваколатли.

Мудофаа вазирини қўмита мажлисларида ёки ялпи мажлисларида гувоҳлик бериш учун чақириш,

- ҳарбий ва давлат хизматчиларини қўмита йиғилишларида гувоҳлик бериш учун чақириш,

- ҳарбий ва давлат хизматчиларини қўмита йиғилишларида гувоҳлик бериш учун чақириш,

- қўмита йиғилишларига маълумот бериш учун жамоат экспертларини (ижтимоий фикрни ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа илмий муассасалардан) чақириш,

- Мудофаа вазирлиги ёки ҳарбийлардан ҳужжатларни талаб қилиш,

- мудофаа масалалари бўйича эшитувларни ўтказиш қўмитанинг ўзига тегишли ваколатлар ҳисобланади. Шунингдек қўмита парламент сўровига кўра мудофаа масалалари бўйича тадқиқот ўтказиш ваколатига эга.

Миллий мудофаа ва қуролли кучлар қўмитаси мудофаа бюджетига оид барча ҳужжатларни олиш, мудофаа бюджети жорий текшириши мумкин.

Мудофаа бюджетини дастурий кўриб чиқиш, мудофаа бюджети маблағларини ўзгартириш ва ажратиш ва мудофаага бўйсунадиган ҳар қандай бюджет таклифларини тасдиқлаш ёки рад этиш ҳуқуқи парламент ва қўмитанинг биргаликдаги ваколати ҳисобланади.

Франция парламентининг мамлакат қуролли кучларининг тинчликни сақлаш миссиялари билан боғлиқ ваколатлари чекланган бўлиб, фақат Миллий мудофаа ва қуролли кучлар қўмитасига мамлакатнинг чет элдаги тинчликпарвар миссия қўшинларига ташриф буюриш ҳуқуқи берилган.

Мудофаа харажатлари билан боғлиқ ваколатлар ҳам Парламент ва қўмитанинг армияни қурол ва ускуналарга бўлган эҳтиёжини аниқлашда иштироки билан чекланади.

Хавфсизлик сиёсатини хамда мудофаа концепциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда қўмитага ва парламентга тенг ваколатлар берилган.

Парламент ва қўмитанинг биргаликдаги ваколатларига мудофаа тизимини ходимлар билан таъминлаш режасини хамда Мудофаа вазирлиги ва армия шахсий таркибининг максимал сонини тасдиқлаш киради.[5]

Германия парламентининг мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги назорати ўзига хос хусусиятларга эга. Германияда 183400 фаол ҳарбий хизматчи бор бўлиб, бу кўрсаткич бўйича Европа Иттифоқида учинчи ўринда туради. Германия, айниқса, икки жаҳон урушидан сўнг ҳарбий соҳага эътиборини камайтирган бўлсада, сўнгги бир неча йил ичида ҳарбий

қудратини тиклаб олди. Германияда Леопард 2 каби энг кучли қурол ва танклар ишлаб чиқарадиган кучли саноат базаси мавжуд. Бугунги кунда Германияда 30050 нафар заҳирадаги ходимлар мавжуд.[6]

Сўнгги бир неча ўн йилликлар давомида Германия Федератив Республикаси мудофаа ва хавфсизлик сектори устидан назоратни таъминлаш учун кенг қамровли назорат ва мувозанат тизимини яратди. Мудофаа ва хавфсизлик тизимида етарлича назоратни таъминлашнинг қуйидагича амалиётини кўриш мумкин:

-Федерал ва маҳаллий хизматлар ваколат доираларининг аниқ тақсимланганлиги

- ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан хавфсизлик сектори устидан парламент назорати ва мониторинги кўринишидаги назоратнинг турли жиҳатларига эътибор қаратиш

- Тегишли суд тизими билан бир қаторда Доимий парламент назорати гуруҳи каби институтларнинг мавжудлиги

- Ноқонуний хатти-ҳаракатлар ва номақбул холатларни текшириш ва бу ҳақдаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.

Германия Федератив Республикасида қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг асосий қисми парламент - Бундестаг томонидан қабул қилинади.

Федерацияга тегишли ёки катта миллий аҳамиятга эга баъзи қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар Бундестаг ва Бундесрат томонидан қабул қилинади.

Бундестаг бир палатали вакиллик органи бўлиб, конституцияга асосан ўзида тўртта қўмитани бирлаштирган. Булар мудофаа қўмитаси, ташқи ишлар қўмитаси, Европа Иттифоқи масалалари бўйича қўмита ва мурожаатлар бўйича қўмита.

Бундестаг мудофаа бўйича қўмита тузади. Мудофаа қўмитасида 38 нафар аъзолар ва 8 нафар ходимлар фаолият кўрсатади. Мудофаа қўмитаси раиси сиёсий партия томонидан сайланади. Қўмита йиғилишлари фақат ёпиқ тарзда ўтказилади. Қўмитада кун тартибидаги масалаларни олдиндан муҳокама қилиш амалиёти юритилади.

Мудофаа ва хавфсизлик соҳаси устидан парламент назорати ваколатлари Конституция, ва қонунлар билан белгиланади.

Мудофаа қўмитаси тергов қўмитасининг ҳуқуқларига ҳам эга. Қўмита аъзоларининг тўртдан бир қисми киритган таклиф бўйича қўмита бирор аниқ масала юзасидан тергов ўтказиши мумкин. [7]

Асосий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун Бундестагнинг ёрдамчи органи сифатида парламент назоратини амалга оширишда Бундестагнинг Қуролли кучлар бўйича комиссари тайинланиши мумкин.

Бундестагнинг Қуролли кучлар бўйича комиссари фаолияти федерал қонун - Германия Бундестаги Регламенти билан тартибга солинади. Германия Бундестаги Регламенти 113-моддасида[8] Бундестагнинг Қуролли кучлар бўйича комиссари яширин овоз бериш йўли билан сайланиши белгиланган. Бундестагнинг Қуролли Кучлар бўйича комиссарининг ҳисоботларини Президент Мудофаа қўмитасига юборади. Агар парламент гуруҳи ёки Бундестаг аъзоларининг беш фоизи парламент комиссарининг ҳисоботларини кун тартибига киритишни талаб қилса, у бундестаг йиғилиши муҳокамасига қўйилади. Шунингдек, Президент, агар парламент гуруҳи ёки ҳозир бўлган Бундестаг депутатларининг беш фоизи талаб қилса, у тақдим этган ҳисоботларни муҳокама қилишда Бундестагнинг Қуролли кучлар бўйича Комиссарига сўз беради. Бундестагнинг Қуролли Кучлар бўйича комиссарини Бундестаг мажлисларига чақириш депутатлар гуруҳи ёки Бундестаг аъзоларининг беш фоизи томонидан сўралиши мумкин.[9]

Собиқ Германия Демократик Республикаси Давлат Хавфсизлик Вазирлиги/Миллий хавфсизлик бошқармаси фаолияти ёки мажбуриятларини белгилаш тартиби Германия Бундестагининг директивалари билан белгиланади.[10]

Мудофаа қўмитаси мудофаа ва хавфсизлик соҳаси устидан назорат қилиш, ҳарбий соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ва бюджет ижросини ўрганиш хамда суриштирув ўтказиш ваколатларига эга. Мудофаа қўмитаси қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирок этади.

Мудофаа ва хавфсизлик соҳасига оид қонунчилик ташаббуси Бундестагнинг ваколати ҳисобланади. Мудофаа қўмитаси таклиф этилган мудофаа қонунларини қабул қилиш ёки қайта кўриб чиқиш ваколати доирасида парламентга қонун лойиҳаси бўйича ўз таклифларини киритади.

Қўмита Мудофаа вазирини комиссия мажлисларида ёки ялпи мажлисларида ҳисобот бериш учун чақириши, Мудофаа вазирига саволлар қўйиши мумкин. Қўмита ўз йиғилишларига ҳарбий ва давлат хизматчиларини гувоҳлик бериш учун чақириш, жамоат экспертларини (ижтимоий фикрни ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа илмий муассасалардан) чақириш ваколатига эга. Мудофаа вазирлигидан ҳужжатларни талаб қилиб олиш, мудофаа масалалари бўйича (парламент сўровига кўра) тадқиқот ўтказиш ва мудофаа масалалари бўйича эшитув ўтказиш ваколатларига эга.

Мудофаа ва хавфсизлик соҳаси бюджетига оид масалаларда қўмитага кенг ваколатлар берилган. Қўмита томонидан мудофаа бюджетини текшириш алоҳида мудофаа бюджети дастури асосида, мудофаа бюджети лойиҳаси асосида ва мудофаа бюджетининг жорий текшируви тартибида амалга оширилади. Шунингдек қўмитада мудофаа ва хавфсизлик соҳаси бюджетига тааллуқли барча ҳужжатларни олиш, бюджети маблағлари харажатлари бўйича ўзгартириш киритиш ҳуқуқи хамда мудофаа ва хавфсизлик соҳасига оид ҳар қандай бюджет таклифларини тасдиқлаш ёки рад этиш ҳуқуқи мавжуд. Парламент ва қўмитанинг “тинчликни сақлаш миссиялари”га оид биргаликдаги ва алоҳида ваколатлари мавжуд.

Германия Федерациясининг субъектлари бўлган “ерлар” (штатлар) ўзларининг вакиллик органлари Бундесрат орқали қонунчилик ва бошқарувда иштирок этадилар.[11]

Федерал Конституцияга асосан Бундестаг депутатлари ва Бундесрат аъзоларидан иборат Қўшма қўмита тузилиши мумкин. Бунда Қўшма қўмита таркибида Бундестаг депутатлари учдан икки қисмни, Бундесрат аъзолари учдан бир қисмни ташкил этишлари керак.

Федерал ҳукумат қўшма қўмитани мудофаа ҳолатига оид ўз режалари ҳақида хабардор қилади.[12]

Бундесрат қонунчилик ваколатига эга, аммо мудофаа ва аҳоли хавфсизлиги билан боғлиқ масалаларда қонунчилик бўйича мутлақ ваколат Бундестагга берилган.[13] Шунингдек, федерал парламент ва бундесратнинг биргаликдаги ваколатлари доирасига конституциянинг 74-а(52)моддасига асосан: қурол ва портловчи моддалар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари; 6) қочқинлар ва кўчирилганлар тўғрисидаги ишлар; урушда етказилган зарар ва уни қоплаш; уруш ногиронлари ҳалок бўлганларнинг қариндошларига ва ҳарбий асирликда бўлганларга ғамхўрлик қилиш бўйича қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш киради.

Германияда федерал ҳарбий бошқарув ўзининг қуйи маъмурий даражаларига эга мустақил федерал бошқарув (конст-я, 87-модда) маъмурияти томонидан амалга оширилади. Унинг вазифаси кадрлар масалалари ва қуролли кучларнинг моддий эҳтиёжларини бевосита қондиришни ўз ичига олади.

Федерал мудофаа қонунлари, шу жумладан ҳарбий хизматни алмаштириш ва фуқароларни ҳимоя қилишга оид қонунлар Бундесрат розилиги билан белгиланиши мумкин. Улар тўлиқ ёки қисман федерал ҳукумат ва унинг қуйи маъмурий бирликлари томонидан ижро этилади.

Қуролли Кучларни хорижда жойлаштириш тўғрисидаги қарорларни қабул қилишда парламентнинг иштироки тўғрисидаги қонун[14] Германия қуролли кучларини хорижда жойлаштиришда Бундестагнинг иштироки шакли ва даражасини тартибга солади. Германия қуролли кучларини Асосий қонуннинг амал қилиш доирасидан ташқарида жойлаштириш Бундестагнинг розилигини талаб қилади. Тайёргарлик ва режалаштириш Бундестагнинг розилигини талаб қилмайди. Федерал ҳукумат қуролли кучларни жойлаштиришни тасдиқлаш учун Бундестагга жойлаштириш бошланишидан анча олдин ариза юборади.

Бевосита хавф туғилганда ва кечиктириб бўлмайдиган холатларда Бундестагнинг олдиндан розилиги талаб қилинмайди. Худди шу нарса Бундестагга мурожаат туфайли қутқарилиши керак бўлган одамларнинг ҳаёти хавф остида бўлса, одамларни ўта хавфли вазиятлардан қутқариш бўйича операцияларга ҳам тегишли.

Бундестаг қуролли кучларни жойлаштиришдан олдин ва жойлаштириш вақтида тегишли равишда хабардор қилиниши керак. Агар Бундестаг аризани рад этса, миссия тугатилиши керак. Қонуннинг 8-бандига асосан Бундестаг қуролли кучларни жойлаштиришга розиликни қайтариб олиши мумкин.[15]

Таҳлиллар кўрсатадики, мудофаа ва хавфсизлик устидан самарали парламент назорати қонун чиқарувчи органнинг ўзида тажриба ва ресурсларни талаб қилади. Бироқ парламентнинг ваколати ҳукумат ва хавфсизлик кучлари ваколатига тўғри келмайди. Аксарият ҳолларда парламентларда жуда кам тадқиқотчи ходимлар мавжуд. Шу билан бирга, ҳукумат Мудофаа вазирлиги ва мудофаа соҳасига оид бошқа вазирликларнинг шахсий таркибига таяниши мумкин. Бундан ташқари, парламент аъзолари чекланган муддатга сайланадилар, аксарият фуқаролик ва ҳарбий мутахассислар эса ўз фаолияти давомида Мудофаа вазирлиги ёки хавфсизлик соҳасининг бошқа органларида мунтазам ишлайдилар. Демак, парламент аъзолари мудофаа соҳасидаги ислоҳотлар ва бошқарувга оид янги билимларни эгаллаш жараёнида бўлса ҳам, улар бу янги олинган билимлардан фақат сайлов муддати тугагунига қадар чекланган вақт ичида фойдаланишлари мумкин бўлади.[16]

Европа давлатлари парламентларининг мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги назорат фаолиятида қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратилади :

ошкораликнинг йўқлиги ва коррупциянинг авж олаётгани, айниқса қурол-яроғ сотиб олиш ва сотишда;

- миллий иқтисодиёт учун номақбул бўлган катта бюджет харажатларини талаб қиладиган жуда катта ташкилот;

- ҳуқуқий таъминотнинг заифлиги ёки умуман мавжуд эмаслиги сабабли қонун устуворлигининг йўқлиги;

-касбий маҳоратнинг йўқлиги: ёмон ўқитилган уюшмалар, дилетантлик, хизмат учун эмас, балки протекционизм орқали ходимларни танлаш ва кўтариш;

- хавфдан қочадиган, ўзгаришларга қаршилик кўрсатадиган ва унинг ташкилий тузилмаси янги хавфсизлик таҳдидларига мослаштирилмаган ички бюрократиянинг мавжудлиги;

- разведка хизматидан сиёсий душманларни манипуляция қилиш ва сиёсий душманларни қўрқитиш ва зарарсизлантириш учун ҳарбийлаштирилган кучлардан фойдаланиш каби ички жосуслик мақсадларида фойдаланиш орқали хавфсизлик кучларини сиёсий суиистеъмол қилиш;

-касбий маҳоратнинг етишмаслиги, мартабада ўсиш имкониятларининг йўқлиги, иш ҳақининг пастлиги, офицерлар корпуси томонидан жамиятда ҳурмат йўқлиги сабабли демотивация ва тушкунлик;

- ҳарбий хизматни чақирувчилар томонидан вақтни беҳуда сарфлаш сифатида қабул қилиниши; ишга қабул қилинганларнинг меҳнатидан шахсий эҳтиёжларини қондириш учун

фойдаланиш ҳолатлари мавжудлиги.

Мудофаа ва хавфсизлик соҳасида парламент назорати - қуролли кучларнинг хокимиятни демократик йўл билан сайланган вакиллик органига бўйсунишидир. Тўлиқ маънода мамлакат мудофаасига тааллуқли барча қарорлар - қуролли кучларни ташкил этиш, жойлаштириш ва қўллаш, мудофаа эҳтиёжлари ва устуворликларини белгилаш, зарур ресурсларни тақсимлаш демократик ҳукуматнинг масъулияти ҳисобланади ва қонунчиликни таъминлаш мақсадида қонун чиқарувчи орган томонидан кўриб чиқилади. Пировард мақсад – қуролли кучлар ўзи ҳимоя қилаётган жамият хизматида бўлиши, ҳарбий куч ва қудратнинг сиёсий мақсадлар ва иқтисодий асосларга мос келишидир. Ҳарбийлар устидан парламент назорати ўзига хос субъект сифатида муҳим деб қаралиши ва албатта, ҳарбийлар ва у ҳимоя қиладиган жамият ўртасидаги кенгроқ муносабатларни акс эттириши керак.

Адабиётлар:

1.The Military Balance 2021 / International Institute for Strategic Studies. — Abingdon: Taylor & Francis, 2021. — 504 p. — ISBN 9781032012278.

2.КонституцияФранции.https://docs.google.com/viewerng/viewer?url=http://legalns.com/download/books/cons/france.pdf

3.Каплунов, А. С. Структура и порядок организации Парламента Франции / А. С. Каплунов. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2015. — № 21 (101). — С. 601-604.

4. “Опыт работы парламентов зарубежных стран” Научно-практическое пособие// Отв.ред.Ф.Э.Мухамедов// Ташкент.: ИМДЗ, 2013.-56-67 с

5.Контроль и управление: актуальность парламентского контроля над сектором безопасности и его реформированием*Ганс Борн, Филипп Флури, Саймон Ланн,* ISBN 978-92-9222-129-4 (англ.) © Женевский центр демократического контроля над вооруженными силами, 2010,Брюссель-Женева-Киев 2011 с.88-93

6.The Military Balance 2021 / International Institute for Strategic Studies. — Abingdon: Taylor & Francis, 2021. — 504 p. — ISBN 9781032012278.

7.Германия Федератив Республикаси Асосий қонуни 45-а * (35)-модда. Правовая библиотека legalns.com)

8. Deutscher Bundestag. (https://www.bundestag.de/parlament/aufgaben/rechtsgrundlagen/go_btg/go_btg-197104)нинг

9.DeutscherBundestag(https://www.bundestag.de/parlament/aufgaben/rechtsgrundlagen/go_btg/go_btg-197104)нинг

10. Ein Service des Bundesministeriums der Justiz sowie des Bundesamts für Justiz (http://www.gesetze-im-internet.de/abgg/AbgG.pdf)

11.Германия Федератив Республикаси Асосий қонуни 50*(39)-модда. Правовая библиотека legalns.com)

12. (Германия Федератив Республикаси Асосий қонуни 53-а(2)-модда. Правовая библиотека legalns.com)

13.(Германия Федератив Республикаси Асосий қонуни 73-(47)модда. Правовая библиотека legalns.com)

14. Ein Service des Bundesministeriums der Justiz sowie des Bundesamts für Justiz (http://www.gesetze-im-internet.de/parlbg/)

15. Ein Service des Bundesministeriums der Justiz sowie des Bundesamts für Justiz (http://www.gesetze-im-internet.de/parlbg/)

16.*Иден Коул, Филипп Флури. Контроль и руководство: Парламенты и управление в секторе безопасности. ДКВС, Женева 2015г. - 74 с).*

WORDLY
KNOWLEDGE